

Тошкент шаҳри

“06” 01 2022 йил

Кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритиладиган “Тошйўловчитрансхизмат” УК номидан Низом асосида иш юритувчи директор Атажанов А.И. бир томондан, ва кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган

номидан устав асосида иш кўрувчи Артёмов А.В.

(корхона, ташкилот номи)

(корхона, ташкилот раҳбарининг фамилияси, исми, шарифи)

иккинчи томондан, шартнома бўйича биргаликда “Томонлар”, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖниг 2020 йил 18 ноябрдаги 204-сонли буйруғига асосан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ қайта ташкил этиш йўли билан “Тошйўловчитрансхизмат” УКни ажратиб чиқариш ва фаолиятини қайта тиклаши сабабли, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартнома мавзуси

1.1. Ушбу шартнома шартларига асосан “Буюртмачи” буюртма беради ва буюртма ҳақини тўлайди, “Ижрочи” эса Тошкент шаҳри йўловчи ташиш транспортида юриш учун транспорт карталари сотади ва уларни ҳисобини тариф режалари билан тўлдиради

II. Шартнома қиймати

2.1. Давлат корхонаси бўлган “Буюртмачи”га транспорт карталарига ва тариф режаларини сотиб олиш учун ушбу шартномага асосан бюджет маблағларидан ташқари, бошқа манбалардан олинган маблағлар ҳаражатлари 10704000 (10 млн 704 мин 000) сўмни ташкил этади.

2.2. Юқорида кўрсатилган маблағдан ташқари транспорт карталарига тариф режалари сотиб олинса ёки транспорт карталари ва тариф режаларининг нархи ошган тақдирда, бу маблағни “Буюртмачи” бошқа бюджетдан ташқари манбалардан олган ўзининг маблағлари ҳисобидан тўлайди.

III. Тўловлар тартиби

3.1. “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва тариф режаларини “Буюртмачи” га Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига биноан олинаётган транспорт карталари ва тариф режалари учун “Буюртмачи” томонидан олдиндан 100 % пул маблағлари тўланиб, “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг ҳамда ушбу маблағлар миқдоридан, “Буюртмачи” нинг кафолатли шахслари орқали ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ҳамда шахсга тегишли паспортнинг асл нусхаси тақдим этилган тақдирда, сотилаётган кундаги прејскурант нархларига мувофиқ сотилади.

IV. “Томонлар”нинг мажбуриятлари

4.1. “Ижрочи” ўзига қуйидаги мажбуриятларни олади:

4.1.1. Ҳар ойда “Буюртмачи” томонидан транспорт карталарига тариф режаларини тўлдириш учун олдиндан ўтказилган пул маблағига асосан қуйидаги манзилда амалга оширилади: 100100 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1 тор-кўчаси, 6-уй.

4.1.2. “Ижрочи” ҳар ойнинг 20 санасидан бошлаб транспорт карталарини сотиш ва тўлдириш учун “Буюртмачи”дан буюртма қабул қилади ва ҳужжатларни расмийлаштиради. Ҳар ойнинг 20 санасидан 25 санасигача соат 8-00 дан 17-00 гача (12-00 дан 13-00 гача танаффусдан ташқари, шанба ва якшанба дам олиш кунлари.) “Буюртмачи” га расмийлаштирилган ҳужжатларга асосан транспорт карталари берилади ва уларга тариф режалари ўтказиб берилади.

“Ижрочи” имтиёзли транспорт картани сотишдан олдин, “Буюртмачи” томонидан имтиёзли транспорт картасидан фойдаланадиган ходимнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ва гувоҳнома нусхасини қабул қилиб олади.

4.1.3. “Ижрочи” томонидан транспорт карталари ва уларга тўлдирилган тариф режалари счёт-фактура-юк хати асосида “Буюртмачи”га берилиб, унда транспорт карталари ва тўлдирилган тариф режаларини сони (доналарда), нархи, жами суммаси, серияси ва рақамлари, шунингдек қолдиқ суммаси кўрсатилади.